



Фарзандим, Куръонни ёдлашинг керак

Кечани кундузга бойлашинг керак,
Куръонни калбингга жойлашинг керак,
Жаннатда тож кийиб яйрашинг керак,
Булбул хонишидек сайрашинг керак,
Фарзандим, Куръонни ёдлашинг керак.

Хар битта харфига юз мингта савоб,
Кабрингга чирокдир, саволга жавоб,
Магзини чакиб ол, излама сабаб,
Ажрга тўлгайдир ердан то фалак,
Фарзандим, Куръонни ёдлашинг керак.

Умримиз дарахти тўкмокда япрок,
Бу дарахт кесилиб, йикилар, бирок,
Корилар жасадин чиритмас тупрок,
Бу буюк довонни хатлашинг керак,
Фарзандим, Куръонни ёдлашинг керак.

Хоразмий, Насафий, Бухорий бобом,
Фаргоний, Тошкандий, Туробий бобом,
Куръонни ёд олган Сурморий бобом,
Илохий каломга талпинар юрак,
Фарзандим, Куръонни ёдлашинг керак.

Сиротда хамрохинг, тутар кўлингдан,
Кокилма, бурилма тўгри йўлингдан,
Шафоат килгайдир ўнгу сўлингдан,
Дугога кўл очган минг битта малак,
Фарзандим, Куръонни ёдлашинг керак.

Умнатнинг яхшиси – Куръон хофизи,

Суннатнинг яхшиси – Куръон хофизи,
Жаннатнинг яхшиси – Куръон хофизи,
Илмга ташналик набавий тилак,
Фарзандим, Куръонни ёдлашинг керак.

Бизда бор Афасий, Миншавий, Мохир,
Хавас килса арзир, барчаси зохир,
Юртбошим Куръонга йўл очди ахир,
Бугундан бошлай кол, шимариб билак,
Фарзандим, Куръонни ёдлашинг керак.

Эркин КУДРАТОВ,
“Мир Араб” ўрта махсус Ислом билим юрти мударриси